

Ҳақсөвәр, она юрт, мангу бўл обед!



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKEENT NAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 15 февраль, шанба • №13 (11.504)

Эркин нархда сотилади

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг  
ҚАРОРИ

## 2003-2006 йилларда чакана савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига майший хизмат кўрсатиш корхоналари тармоқларини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Аҳолининг чакана савдо, умумий овқатланиш ва майший хизмат кўрсатиш корхоналари хизматларига бўлган эҳтиёжини янада тўлиқ қондириш, уларнинг тармоғини, айниқса хизматлар кўрсатиш даражаси республика бўйича ўртacha даражадан паст бўлган минтақаларда янада кенгайтириш максадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилиди:

1. Узбекистон Республикаси Иктисолидёт вазирлиги, "Узбексавдо", "Ўзбекбирашув" компаниялари ва "Майший хизмат маркази" очик акциядорлик жамияти томонидан Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларидан биргаликда ишлаб чиқилган 2003-2006 йилларда чакана савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига майший хизмат кўрсатиш корхоналари тармоқларини ривожлантириш дастурлари маъкуллансан.

Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларидан "Ўзбексавдо", "Ўзбекбирашув" компаниялари, "Майший хизмат

маркази" очик акциядорлик жамияти, "Савдо", "Матлуботсавдо" худудий компаниялари, аҳолига майший хизмат кўрсатиш уюшмалари, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Савдо, хизматлар соҳаси ва ҳалқ истемол товарлари ишлаб чиқариши департаменти иштирокида кўрсатилган дастурларни амалга ошириш бўйича жойларда амалий ишлар ташкил этилишини таъминласинлар.

2. Белгилансинки, дастурлarda назарда тутилган чакана савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига майший хизмат кўрсатиш корхоналарини куриш, реконструкция қилиши ва жихозлаш савдо, майший хизмат кўрсатиш ташкилотлари ва корхоналарининг ҳамда

тадбиркорларнинг ўз маблағлари, шунингдек, тижорат банклари ва бошқа молия ташкилотларининг кредитлари ҳисобига амалга оширилади.

3. Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларидан:

"Ўзбексавдо", "Ўзбекбирашув" акциядорлик компаниялари ва "Майший хизмат маркази" очик акциядорлик жамияти иштирокида чакана савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига майший хизмат кўрсатиш корхоналари тармоғини ривожлантиришнинг аниқ дастурларини (аҳоли пунктлари бўйича) бир ой мuddатда ишлаб чиқсанлар ва тасдикласинлар, бунда барпо этилаётган объектларни мавжуд савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси аҳолининг кўрсатилаётган хизматларга бўлган эҳтиёжи таъминланмаётган туманлар, шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли пунктларida

(Давоми 2-бетда).

Халқ депутатлари вилоят кенгасида

## ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА – ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР

Кейинги йилларда халқ депутатларининг ижтимоий-иктисодий ва маънавий-маърифий ҳаётдаги фаолиятлари сезиларли ортиб бормоқда. Доимий комиссиялар таркибида иш олиб бориб, улар тараккиётимизнинг ҳозирги боскичидаги барча долзарб вазифалар муваффакиятли хал этилишига тобора салмоқли хисса қўшаёттирлар.

Чунончи, иккинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгаси фаолиятининг самарали бўлишини таъминлашда етти доимий комиссиянинг хиссаси ошиб бораяпти. Улар қонунлар, фармонлар ва қарорлар жойларда бажарилишининг ахволи, ислоҳотларнинг амалга оширилиши бошқа масалалар билан муттасил танишиб бораёттирлар. Жумладан, қонунийлик, ҳуқук-тартибот ва фуқаролар хавфзизлигини таъминлаш масалалари доимий комиссияси ўз йигилишида «Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси тўғрисида»ги Қонун ва вилоят ҳокимининг давлат чегараларини қўриклишда аҳоли ва «Чегара посонлари» жамоат тузилмаларининг ролини ошириш тўғрисидаги қарорларини амалга ошириш масаласини алоҳида мухокама қилди. Бу доимий комиссия айрим долзарб масалаларни бошқа комиссиялар билан ҳамкорликда кўриб чиқиши тажрибасини ҳам кенг кўлламоқда. Саноат, транспорт, қурилиш, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари доимий комиссияси ишлаб чиқариши махаллий хом ашё ҳисобига кенгайтиришнинг 2005 йилгача мўлжалланган дастури шаҳар ва туманларда қандай бажарилаётганлигини ҳамиша диккат марказида тутмоқда. Шунингдек, бошқа доимий комиссияларнинг фаолиги ҳам ортиб бораёт.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаси доимий комиссиялари сўнгги ўз йигилишларида 2003 йилги иш режасига бир қатор долзарб масалаларни кўриб чиқди. Чирчик шаҳри, Бекобод ва Бўстонлиқ туманлари хотин-қиз-

(Давоми 2-бетда).

## Ҳисобот

# ДИВИДЕНДГА 20.000.000 сўм

Тошкент туманинда Гуломмаҳмуд Абдуллаев номли ширкат хўжалиги аъзоларининг 2002 йил якунларига бағисланган ҳисобот йигилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокими Уммат Мирзакулов ва республика Бош вазирининг ўринбосари, Кишлок ва сув хўжалиги вазiri Носир Юсупов сўзга чиқди.

Бу хўжаликда аграр тармоқни тубдан ислоҳ қилишга қартилган конунлар, Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари ҳамда бошқа меъёрий хўжатларнинг ижроси йўлида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, хўжаликнинг иктисолидёт салоҳияти, оддий меҳнаткашларнинг турмуш даражаси ҳакида кўп ёзилган.

Хўжаликда ибрат олса, ўрганса арзийдиган ислоҳлар кўп. Аввало, тармоқда ўтказилаётган ислоҳотларга бозор иктисолидёт талаб-қоидлари асосида ёндашилмоқда. Бунда асосий этибор далада ишлаб турмуш манфаатдорлигини амалда таъминлашга қартилмоқда. Шу боис кейинги йилларда одамларда ердан унумли, ўғит, сув, техника во-ситаларидан самарали ва тежамилий фойдаланишга, яъни кам сарф-ҳаражат билан кўпроқ даромад олишга интилиш кучайди. Энг муҳими — дехқонларнинг ерга, меҳнатга муносаба-



## ЧЕМПИОНЛАР ШУ ЕРДА ЕТИШИБ ЧИҚАДИ

Юқориҷирчик тумани «Дўстлик» ширкат хўжалиги худудида жойлашган Ҳван Ман Гим номидаги стол тениси клуби нафақат туман ёки вилоят, балки бутун республикада ушбу севимли спорт турини кенг ривожлантириш, юзлаб болалар ва ўсмириларни доимий машгулотларга жалб этишига катта хисса қўшмоқда. Ҳозир бу ерда мамлакатнинг ўнлаб олис-яқин шаҳар ва туманларидан келган 60 дан зиёд ўғил-қизлар аниқ дастур асосида мунтазам шуғулланмоқда.

Ушбу ёшлар орасида халқаро турнирларнинг галиблари, республика чемпионлари анчагина.

**СУРАТЛАРДА:** Украина Республикасида хизмат кўрсатган мураббий Илья Фрейгер шогирдлари даврасиди; Навоий вилоятидан келган спорт усталигига номзод Манзура Иноятова халқаро мусобақаларда эришаётган ютуқларидан мамнун.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

## Болалар спортига эътибор

## ҚИЗЛАРГА НИМА ЯРАШАДИ?

Сўнгги вақтларда юртимизда ёш авлодни ҳам жисмоний, ҳам маънавий баркамол қилиб вояга етказиш, уларнинг ҳаётини спорт билан узвий боғлаш масаласига ҳар қачонгидан ҳам кучли эътибор қаратилмоқда. Бу узокни кўзлаб, юртимиз келажаганини ўйлаб қилинаётган иш. Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилгани бу борадаги амалий қадам бўлди.

7 февраль куни Оқсарай қарорхода ушбу жамғарма Ҳомийлик кенгашининг мажлиси бўйиб ўтди. Унда мамлакатни Президенти ўзбек кизлари асосан қайси спорт турлари билан шуғуллангани маъкул,

(Давоми 3-бетда).

(Давоми 8-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг  
КАРОРИ  
**2003-2006 йилларда чакана савдо, умумий овқатланиш ва  
аҳолига майший хизмат кўрсатиш корхоналари тармоқларини  
ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

жойлаштиришга алоҳида эътибор берсинлар;

чакана савдо, умумий овқатланиш ва майший хизмат кўрсатиш объектларини жойлаштириш (ташкил этиш) учун турар жой ва нотуар жой биноларидаги мавжуд бўш майдонларни белгиланган тартибида хатловдан ўтказсинглар;

чакана савдо, умумий овқатланиш ва майший хизмат кўрсатиш

(Давоми. Боши 1-бетда).

объектлари курилишига аҳоли учун қулай жойлардаги ер участкаларини тадбиркорларга танлов асосида берсинлар;

тегишли шахарлар, туманлар ҳокимларини, лойихалаш ташкилотлари билан биргаликда тегишли худудни куришнинг бош режасига мувофиқ дастурларда назарда тутилган савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига майший хизмат кўрсатиш корхоналарини куриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш

бўйича зарур лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиксинлар;

йилнинг ҳар чорагида 2003-2006 йилларда чакана савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига майший хизмат кўрсатиш корхоналари тармоғини ривожлантириш дастурлари бажарилишини кўриб

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

Тошкент шаҳри, 2003 йил 13 февраль.

И. КАРИМОВ.

**Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодлар**

# КАМАЛАКНИНГ ЕТТИ РАНГИ

*Елизавета Цой – расм чизиши, рақс, мусиқа ва қўшикчилик-даги ижрочилик маҳорати учун санъат йўнаниши бўйича  
Зулфия номидаги Давлат мукофотига тавсия этилган.*

Ёмғирдан сўнг күёшнинг заррин нурлари оғушида ял-ял товланадиган камалакнинг етти рангига кўзингиз тушганми? У шундай товланадики, ранглар жилосини кўриб, кўзингиз кувонади. Нигоҳнингиз, қалбингиз оламолам завку шавқа тўлиб, бетакор ранглар оғушида ўзгача жозиба, ўзгача мазмун кашф этади. Елизавета Цой билан сухбатлашганимда ана шундай ҳолатга тушдим. Камалак рангларининг товланишларини яна бор хис килгандек бўлдим.

— **Лиза, соғ ўзбек тилида гапиришини кимдан ўргангансан?** — сўрайман ҳайратимни яширолмай. Суҳбатдoshim жилмайди. «Чиройли жилмаяркан», ўйлайман ўзимча. Кейин бирдан уни «Олтин микрофон» кўрсатувидаги иқтидорли хонанда Севара Назархон билан басма-бас ўзбекча кўшик айтганини эслайман.

Болалигим Чинознинг бугугоғлари, кўркам далаларида кечган. Одатда кишлоқ болалари шўх-шаддод, ҳар нарсага қизикувчан бўлишиади. Агар улар билан тенг-тенг гаплашолмасанг, устингдан кулишади. Хуллас, онамни ҳоли-жонига қўймай, ўзбек мактабида ўйиман, деб туриб олдим. Абу Райхон Беруний номидаги 1-умумтаълим мактабига бордим. Ўша пайтдаги ҳолатимни бир тасаввур

килиб кўринг-а. Мусиқага ишқибозлигим, суратларни «койилмаком» қилиб чиза олишим, рақса тусишим, ашула айтишим кўл келди чоги. Хуллас, синфдошларим билан дўстлашиб кетдик, улардан билмаганларимни ўргандим, билганларимни эса, ўргатдим.

— **Демак, сен ўзбек қизи бўлиб қолибсан-да. Ҳар калай, бунинг сири нимада?**

— Ҳеч қандай сири йўқ. Оиласизда акаларим Слава ва Женя ҳам мусиқа илмидан хабардор, рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам бемалол гаплашаверами. Онам Жанна Цой Ўзбекистон Рассомлар бадиий академиясининг ҳақиқий аъзоси, таникли мусаввир. Отами элас-элас эслайман. Алмати театрида актёр бўлган дейишиади. 1989 йилда вафот этиди...

Биласизми, бўш ўтиришини сира ёқтирамайман. Расм чизаман, ашула айтаман, мусиқа чаламан, теннис ўйнайман, рақсга тусиши жону дилим. 35-мусиқа мактабининг фортецино синфини тутгатганман. Ҳозир доира синфида ўқияпман. Шунингдек, «Чиноз» мақомчилари гурухида ҳам қатнашяпман.

— **Мактабда ўқишилар қалай?**

— Албатта, менинг интилишларим, ҳаракатларимнинг ҳаммамаси ўқиш, ўрганиш орқали

амалга ошади-да. Ҳархолда мактабимизнинг иқтидорли ўқувчилар гурухининг ўнинчи синфифа ўйиман. Қизиқишиларим ҳеч қаҷон ўқишига, жамоат ишларини бажаришга ҳалакит бермайди. Ҳаммасини режа асосида олиб бораман.

— **Устозларинг ҳақида гапирмадингуку?**

— Мақтанчоқлик килаяпти демангу аввали, мени шу даражага етишимда онамнинг саъй-ҳаракатлари, хона-донимиздаги маънавиятга, маданиятга, санъатга чанқоқлик, оиласиздаги ўзаро аҳиллик, тоғулик мухити таркиб топганлиги сабабли юзага келган, деб ўйлайман. Қолаверса, Чиноз тумани маданият ишлари бўлими мудири Карим ака Орзикулов, мактабимиз директори Асқар ака Тошпўлатовлардан ҳамиша миннатдорман. Синф раҳбаримиз, устозим Маҳмуда опа Долимованинг меҳрибонликлари, қилаётган ишларимга ҳайриҳо бўлиб, маслаҳатлар берадиганликларини айтиб ўтишни истардим. Хуллас, кимдир менга ниманидир ўргатган бўлса, ўша кишини устозим деб хисоблайман.

— **Лиза, вилоятимизда яшаб ижод килаётган иқтидорли қизларимиз каторида сен ҳам Зулфия номидаги мукофотга номзод бўлдинг.**



Хурсандмисан?

— Нихоятда хурсандман. Устозларим, дўстларим, мактаб маъмурияти мени кўллаб-куватлаётган экан, озгина лаёкатим борлиги учун эъзозлаётган экан, уларга муносиб бўлишга харати қиласерман.

Суҳбатимиз сўнгидаги ҳамараканганинг товланишини эсладим. Назаримда, ёш истеъоддли хонанда, атоқли мусаввир Рўзи Чориевнинг совринига сазовор бўлган ҳаваскор рассом, мусиқа билимдоми, раққоса, мумтоз қўшиклар айтишини ҳавас қўлган иқтидорли қизимиз Елизавета Цой албатта, камалакнинг етти ранги жозибасини ўзида мужассам эта олади ҳамда ўйлаган максадларининг ижобатини кўради.

Шавкат ТУРОБ  
суҳбатлаши.

## СУҲБАТДАН СҮНГ КОНЦЕРТ

Оҳангарондаги «Сусам» кишлоқ маданият уйидаги туман ҳокимлиги ҳамда маданият ишлари бўлнимининг ташаббуси билан «Терроризм, ислом дини ва ёшлар» мавзуидаги давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда туман ҳудудида ижтимоий-маънавий мухитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастлик, экстремизмга қарши кураш, уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари юзасидан фикр алмашинди. Тадбирда маънавият ва маданият ходимлари, маҳалла оқсоқоллари, пошибонлари, хотин-қизлар қўмитаси вакиллари, фуқаролар ва ёшлар иштирок этишиди. Суҳбатдан сўнг туман маданият ишлари бўлнимининг бадиий ҳаваскорлари ижросида концерт дастuri намойиш этилди.

Ўз мухбirimiz.

## Навоийхонлик давом этади



Пойтахтимиздаги вилоят «Турон» кутубхонасида шеврият мулканинг сultonни Алишер Навоий тавалдуйининг 562 йиллигига багишиланган тадбир бўлиб ўтди. Унга академик Бахтиёр Назаров, профессор Наим Каримов, навоийшунос олима Сўйима Фаниева ва бошқа таникли адабиётшунослар ташриф буюришиди. Эл таниган санъаткорлар Насиба Қамбарова, Раъно Ярашева ва Афзод Рафиқов буюк шоир асарларидан намуналар ўқидилар. Навоийхонликда ўтган сұхбат ва маъruzalar Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Давлат маданият институти ҳамда бошқа олийгоҳлар талабаларида катта таассурот қолдирди.

СУРАТДА: улуғ шоир хотирасига багишилаб ўтказилган тадбирдан лавҳа.  
Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

## ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА — ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

лар қўмиталари Президентнинг ҳарбий қисмларда интизомни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармонини бажариш борасида олиб борайтган ишларни сессия муҳокамасига тайёрлаш билан боғлик масалани кўриб чиқиши чоғида доимий комиссиялар иғилишига вилоят ҳокимлиги котибият ва гурух раҳбарларидан ташқари, шаҳар ва туман ҳокимларининг ижтимоий масалалар билан шуғулланувчи ўринбосарлари, хотин-қизлар қўмиталари раислари ҳам тақиғи қилинди.

Ижтимоий-маданий таракқиёт доимий комиссияи иғилишида вилоят ҳокимининг 1999 йил 10 июндан «Маданият муассасалари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори жойларда қандай бажарилётганигина ўрганишини ташкил этиш билан боғлик масала кўриб чиқилди. Шаҳар ва қишлоқларда маданий-маърифий ва маънавий тарбиянинг ахволи билан танишиб, таҳлил қилиб чиқиши ва бу ишни янада яхшилашга қаратилган тақлифлар тайёрлаш учун махсус гурухлар тузилди. Улар жойларга жўнаб кетдилар.

Ўз мухбirimiz.

## ЎҚУВЧИЛАРГА СТИПЕНДИЯ

«Бунёдкор аёл» подавлат, нотижорат маркази тузилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Аммо у ўз фаолиятини хайрли ишларни амалга оширидан бошлади.

Марказ томонидан Оҳангарон шаҳридан 1-урта мактабнинг аълочи ва фаол ўқувчилари учун ҳар бирин беш минг сўмлик учта стипендия белгиланди.

Ана шу муносабат билан мактабда бўлиб ўтган иғилишида «Бунёдкор аёл» вилоят маркази директори Мамлакат Жўраева, шу марказнинг Оҳангарон, Олмалиқ, Ангрен шаҳарлари бўлими директори Муҳаррам Сайфуддинова ва бошқалар иштиядаридан.

Бу стипендия танлов асосида ўтказилиб, энг яхши ўқувчиларни рағбатлантириш мақсадида берилади.

Нурали АБДУРАСУЛОВ.



## Dushanba

17

## «Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Узбекистон!»  
8.00-8.40 «Таҳлилнома».  
8.40, 17.55 ТВ маркет.  
8.45 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Хаттотлик санъати».  
9.05 «Камалак». Болалар учун кинодастур.  
9.40 «Тўртичини хокимиёт». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар 10.05 «Сен борсан». Бадий фильм.  
11.35 Узбекистон телерадиокомпанияси халқ чолғу оркестрининг концепти.  
11.55 ТВ анонс.  
12.05 «Буюк аждодаримиз». Захиридин Мухаммад

Бобур. «Болалар сайёраси»: 12.25 1. «Улғайиш погоналари». 2. «Олтин тоҳ». Телевизион ўйин. 13.15 Эстрада тароналари.  
13.30 «Спорт оламида». 14.10 Кундузги сеанс: «Зирачча». Бадий фильм.  
15.40 «Обод уйда пок одамлар яшайди». 16.00 «Бу ажаб фасл». Телеальманах.  
16.20 «Камилла». Телесериал.  
16.50 «Орзулар қанотида». 17.10 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Наганода бир кун». 17.25 ТВ клип.  
17.35 «КиноТеатр». 18.10 «Қалб гавхари». 18.30 «Мулкдор». 18.50 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Восил Қобулов».

Премьера.

19.15 Бир жуфт кўшик.  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.30 Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртаклари.  
20.15 Биржа ва банк хабарлари.  
20.30 «Ахборот». 21.05 2003 йил – Обод маҳалла ийли.  
21.35 ТВ клип.  
21.45 «Гиёхвандлик – аср вабоси».  
22.05 «Форест Гамп». Бадий фильм. 1-қисм.  
23.15 «Ахборот-дайжест».  
23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

## «Ёшлар» телеканали

Профилактика муносабати билан, душанба, 17 февраль куни «Ёшлар» телеканали курсатувлари соат 14.00дан бошланади.

## Seshanba

18

## «Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Узбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот». 8.35, 17.55 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шархи.  
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Водил», «Дўуппи». 9.20 «Ранггин дунё». 9.40 «Бахтимизга омон бўлинг». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар 10.05 «Мулкдор». 10.25 «Олтин маъбуда». Бадий фильм.  
11.40 «Нурли манзиллар». 12.05 «Дунё эшиклири очилди бизга». 12.25 «Кўпчилик категорида». 12.50 Мусикий танаффус.  
13.00 «Оталар сўзи – аклнинг кўзи». 14.10 «Муносабат». 14.45 «Яхши – ёмон

ийитлар». Телесериал.  
15.35 «Қўшиғим – жон қўшиғим». 16.10 «Адабий жараён». 16.30 Болалар учун «Фламинго». 16.55 «Ватанимга хизмат қиласман». 18.10 «Баркамол авлод орзузи». 18.25 «Япония: руҳият ва макон». Хужжатли телесериал премьераси.  
19.10 «Қалқон». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.25 Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртаклари.  
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)  
20.30 «Ахборот». 21.05 «Солик ва биз». 21.30 ТВ клип.  
21.40 Узбекистон каналида илк маротаба: «Камилла».

Телесериал.

22.10 «Олам футболи».  
22.30 «Форест Гамп». Бадий фильм. 2-қисм.

23.40 «Ахборот-дайжест».  
0.00-0.05 Ватан тимсоллари.

## «Ёшлар» телеканали

8.55 Курсатувлар дастури.  
9.00 Давр.  
9.15 «Яхши авлод» почтаси, «Кичкингой театри».  
9.45 «Денгиз итлари». Мультсерериал.  
10.10 Кўхна оҳанглар.  
10.20 ТВ – анонс.  
10.25 Бизнес-академия.  
10.45 «2000 йилдан сўнг». Сериал.  
11.05 «Ёруғлик». Хужжатли фильм.  
11.50 Ёшлар овози.  
12.10 «Мағриб тунлари». Бадий фильм. 1-қисм.  
12.50 Интерфутбол.  
14.30 Мозидан келажакка.  
14.50 «Кусто командинг сув ости

14.00 Кўрсатувлар дастури.  
14.15 Бир жуфт кўшик.  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.30 Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртаклари.  
20.15 Биржа ва банк хабарлари.  
20.30 «Ахборот». 21.05 2003 йил – Обод маҳалла ийли.  
21.35 ТВ клип.  
21.45 «Гиёхвандлик – аср вабоси».  
22.05 «Форест Гамп». Бадий фильм. 1-қисм.  
23.15 «Ахборот-дайжест».  
23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

14.00 Кўрсатувлар дастури.

14.15 Жаҳон жуғрофијаси.

15.00 «Давр» ҳафта ичидаги.

15.30 «Кусто командинг сув ости саргузашлари».

Телесериал.

16.10 Спорт хафтаномаси.

16.25 «Мерлин».

Бадий фильм. 4-қисм.

17.10 «Яхши авлод» почтаси, «Кичкингой театри».

17.40 «Денгиз итлари». Мультериал.

18.05 Ёшлар овози.

18.25 Кўхна оҳанглар.

18.35 Тафаккур ёлкинлари.

18.50 Узбек мумтоз шеъриятидан.

18.55, 21.55 Икlim.

19.00 Давр.

19.35 ТВ-анонс.

19.40 Муҳаббат кўшиклари.

19.50 Кишлоқдаги тенгдошим.

20.10, 21.55, 22.35

Эълонлар 20.15 «Мағриб тунлари». Бадий фильм. 1-қисм.  
21.00 Ватан хакида кўшик.  
21.05 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Ёруғлик». Хужжатли фильм.  
21.20 Олтин мерос.  
22.00 Давр.  
22.40 ТВ-анонс.  
22.45 «Муҳаббат қахваси». Телесериал.  
23.10 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.  
23.35 Давр.  
1.00-1.05 Хайрли тун!

1.00-1.

19.40 «Ер иши». Мусикий дастур. 19.55 Давр-интервью. 20.10 Бегойим. 20.30, 21.25, 22.35 Эълонлар. 20.35 «Магриб тунлари», Бадий фильм. 4-кисм. 21.30 Ёшлар овози. 21.50 Олтин мерос. 22.00 Давр. 22.40 ТВ-анонс. 22.45 «Мухаббат қаҳваси». Телесериал. 23.10 «Ёшлар».

телеканалида спорт: Интерфутбол. Танафус пайтида: 23.55 Давр. 1.00 - 1.05 Хайрли тун!

**«Тошкент телеканали»**

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал «23,5 даражали бурчак остида». 84-кисм. 17.45, 19.10, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.

18.05 Болажонлар экрани. 18.15 «Билим» телеклуби. 18.30, 20.00, 21.15, 22.10 «Пойтахт». Аҳборот дастури. 18.50 «Навниҳол». 19.30 «Ханда дўкони». 19.55 «ТТВда мусика». 20.30 ТТВда сериал: «Мафтункор аёл». 21.35 «Эл хизматида». 22.35 Кинонигоҳ. «Мутлақо жиддий». 23.45-23.50 Хайрли тун, шахрим.

**«Халқаро телеканал»**

Биринчи канал 7.30-9.00 17.00 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 «Вести». 17.50 «Ажралмаслар». Сериал. 18.10 «Евроньюс» янгиликлар. 18.25 Хужжатли детектив. 19.00 «Ишонч ва мухаббат замини». Сериал. 20.00 «Заиф бўғин».

Телеўин. 21.00 «Время». 21.40 Бизнес ревю. 21.45 «Юксак технологиялар олами». 22.05 «Соккер клуб». 22.25 FCN «Узбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 22.35 Кинематограф. «Кимматга тушган ютуқ». Бадий фильм. 0.05 «Аҳборот» (рус тилида) 0.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

мат этироси». Телесериал. 14.10 Телешоу. 15.10 «30-да спорт». 16.30 Мусикий дастур. 16.50 «Шоу соати». 18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Ургимчаклар хужуми». 19.30 «Ошикона». Мусикий дастур. 19.45 Тоглик - ўлмас карға». Сериал. 21.05 «Клип-совфа». Телетабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкитойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Бўйдик». 23.15 Спорт дастури.

## JUMA

### «Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Аҳборот». 8.35 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шархи. «Болалар сайдераси»: 9.00 1. «Болаликнинг мовий осмони». 2. «Кизикарли учрашувлар». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Йангилклар 10.05 «Инсон ва конун». 10.30 «Есения». Бадий фильм. 1-кисм. 11.35 «Касб эгалари». 11.55, 13.55 ТВ анонс. 12.05 «Озода бўлса шахринг». 12.25 «Муҳлис ёхуд кўшиқ изидан». 12.45 Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон биринчилиги. 13.05 «Жиз-биз». Ҳажвий ҳангома. 13.25 «Олам». Телесериал.

## 21

альманах. 14.10 Телемулоқот: Контрактация шартномалари. 14.50 «Есения». Бадий фильм. 2-кисм. 15.55 «Озод юрт одамлари». 16.15 «Камила». Телесериал. 16.45 «Депутат». «Болалар сайёраси»: 17.00 1. «Цирк, цирк, цирк». 2. «Ўила, изла, топ». Телемусобака. 18.10 «Ўзбектеле-фильм» намойишни: «Заркентлик қаҳрамон». Премьера. 18.30 «Софлом она - соғлом бола». 18.50 «Тағсилот». 19.05 «Зиё» студияси намойишни этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар 19.30 «Аҳборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 «Баҳорни соғи-ниб». Кинокомпозиция. 20.30 «Аҳборот». 21.05 «Муносадат». 21.40 Бир жутт кўшиқ. 21.50 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Камила». Телесериал. 22.20 «Маҳалламиз стадиони». Спорт дастури. 22.40 «Аҳборот - дайжест». 23.20-23.05 Ватан тимсоллари.

**«Ёшлар телеканали»**

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр. 9.15 «Янги авлод» студияси: «Шоҳсупа». 9.40 «Денгиз итлари». Мультсерериал. 10.05 Давр-интервью. 10.20 Мусикий лаҳзалар. 10.30 ТВ-анонс. 10.35 «2000 йилдан сўнг». Сериал. 10.55 Ёшлар овози. 11.15 Жаҳон жуғрофияси. 12.05 «Магриб тунла-

ри». Бадий фильм. 4-кисм. 12.55 Бегойим. 13.15 Интерфутбол. 14.55 Болалар экрани: «Хатолар ороли». Мультифильм. 15.20 Ёш тадбиркор. 15.35 «Меҳрионгичнам». Бадий фильм. 2-кисм. 16.45 Кўрсатувлар дастури. 16.50 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?». 17.15 «Денгиз итлари». Мультсерериал. 17.40 Хурдиёр фарзандиман. 18.05 ТВ-анонс. 18.10 Дунё ажойиботлари. 18.30 Аскар мактублари. 18.50 Хозирги замон ўзбек шеъриятидан. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 Давр. 19.35 ТВ-анонс ва «Хандалак плюс». 19.40 Ёшлик наволари. 20.00 Ҳукуқ ва бурч. 20.20 «Давр» нигоҳи. 20.40, 21.15, 22.35 Эълонлар 20.45 «Мистер Бин». Сериал.

21.20 Ватан ҳақида кўшиқ. 21.25 Ёшлар овози. 21.45 Олтин мерос. 22.00 Давр. 22.45 «Мухаббат қаҳваси». Телесериал. 23.10 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: «Ринг кироллари». 0.10 Давр. 0.25 «Оқ айкалар ҳақида ҳақиқат». Ҳужжатли фильм. 1.15 - 1.20 Хайрли тун!

**«Тошкент телеканали»**

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал «23,5 даражали бурчак остида». 85-кисм. 17.45, 19.40, 21.55 «Экспресс» телегазетаси. 18.05 «Болажонлар экрани». 18.30, 20.00, 21.15, 22.15 «Пойтахт». Аҳборот дастури. 18.50 «Саодат қалити». Спорт-шоу. 1-кисм. 20.30 ТТВда сериал: «Мафтункор аёл».

21.35 «Долзарб мавзу». 22.40 Кинонигоҳ. «Ҳаммага карши». 0.00-0.05 Хайрли тун, шахрим!

**«Халқаро телеканал»**

Биринчи канал 7.30-9.00 17.00 Кўрсатувлар тартиби. 17.05 «Вести». 17.20 CFI тақдим этади. «Ёввойи ҳайвонлар туркумидан». 18.00 «Евроньюс» янгиликлари. 18.25 Хужжатли детектив. 19.00 «Ишонч ва мухаббат замини». Сериал. 19.55 «Мўъжизалар майдони». 21.00 «Время». 21.35 Бизнес ревю. 21.40 А. Пугачева, Ф. Киркоров, О. Газманов, Ю. Антонов иштирокидаги байрам концерти. 23.00 «Аҳборот» (рус тилида) 23.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## Shanda

### «Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 Аҳборот. 8.35 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шархи. 9.00 «Зиё» студияси намойишни этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида». 9.20 «Кушлар ҳақида ҳақиқат». Ҳужжатли фильм. «Болалар сайёраси»: 10.10 1. «Цирк, цирк, цирк». 2. «Ўила, изла, топ». Телемусобака. 11.10 «Мусика бўстони». Телеальманах. 11.30 «Қирол шер-1». Мультифильм. 12.55 «Қувноқлар ва зукколар». Телемусобака. 13.50 ТВ-1 кинотеатри: «Доно Мондухай хоним». Бадий фильм.

## 22

16.00 «Адабий жараён». 16.20 «Ягона оиласда». 16.50, 17.55 ТВ анонс. 16.55 «Мусика: кечава бугун». 17.15 «Рангин дунё». 17.35 «Бу ажаб фасл». Телеальманах. 18.00 «Мўъжизалар майдончиси». Телешоу. 19.05 «Кишлоқ ҳақида йўлар». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар 19.30 «Аҳборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртаклари. 20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 20.30 «Аҳборот». 21.05 «Обод уйда пок одамлар яшайди». 21.25 ТВ клип. 21.35 «Яхшилик». Телешоу. 22.10 «Аҳборот - дайжест». Тунги ёғуд:

22.30 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Трумен томошаси». Бадий фильм. 0.05-0.10 Ватан тимсоллари.

**«Ёшлар телеканали»**

7.55 Кўрсатувлар дастури. 8.00 Давр тонги. 9.00 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма». 9.25 «Денгиз итлари». Мультсерериал. 9.50 Табобат оламида. 10.10 «Давр» нигоҳи. 10.30 Мусикий лаҳзалар. 10.40 ТВ-анонс. 10.45 Ёшлар овози. 11.05 Ринг кироллари. 12.05 «Хива гилами» («Ўзбектелефильм») 12.15 Музейлар бўйлаб. 12.30 «Кечиккан балик ови». Бадий фильм. 14.00 Дунё ажойиботлари. 14.20 «Мистер Бин». Сериал. 14.50 Ҳукуқ ва бурч. 15.10 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури.

ри: Теннис. 15.50 Ҳандалак. 16.15 ТВ-анонс. 16.20 Кўрсатувлар дастури. 16.25 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма». 16.50 «Денгиз итлари». Мультсерериал. 17.15 Бола тилидан. 17.45 Ёшлик наволари. 18.00 Футбол плюс. 18.20 Саломатлик сирлари. 18.40 Каталог. 18.50 Ҳуқиқ мумтоз мусиқасидан. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 Давр. 19.35 Мухаббат қўшиқлари. 19.50 «Давр»-репортаж. 20.00 Кутилмаган меҳмон. 20.20, 21.10, 22.35 Эълонлар 20.25 «Жюли Леско». Телесериал. 21.15 Оҳанрабо. 22.00 Давр. 22.40 ТВ-анонс. 22.45 Тунги тароналар. 22.55 Кинотақдим. 23.15 «Ортиқча юқ».

Бадий фильм. 0.45-0.50 Хайрли тун!

**«Тошкент телеканали»**

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 «Мульчархпалақ». 17.40 «Жаҳон географияси». 18.10, 20.10, 20.50 «Экспресс» телегазетаси. 18.30 «Афиша». 18.50 Мусикий лаҳзалар. 19.00 «Пойтахт». Шанбадан-шанбагача (рӯс) 19.25 «Табриклиймиз-кулаймиз». 20.00 «ТВ мадад». 20.30 «Хусусийлаштири: қадам-бақадам». 21.10 «Мисли гавҳар». 21.25 «Нима учун?». 21.55 Кинонигоҳ. «Доктор Голливуд». 23.20-23.25 Хайрли тун, шахрим!

**«Халқаро телеканал»**

9.00 Кўрсатувлар тартиби. 9.05 «ТВ-4да мусика».

9.10 «Мульсанс». 9.25 «Ўз-ўзига режиссер». 10.10 «Лаззат». 10.30 Е. Петросяннинг «Кулгу панорамаси». 11.05 «CFI янгиликлари». 11.15 «Т. Полонская билан бирга». 11.35 «Ишибалармон кишилар». 11.55 - 12.55 «Дўстлик» видеоканали: «Сажи хона-донда», «Чинсен», «Бизнен мирад». 17.30 Кўрсатувлар тартиби. 17.35 «Ассалом, Франция!». 17.55 «МузZone». 18.10 «Спорт технологияси». 18.25 Хужжатли детектив. 18.55 «Ким миллионер бўлишини истайди?». Телешоу. 20.00 «Сўнгиги ҳаракон-3». 21.00 «Время». 21.30 «КВН». 23.55 Аҳборот (рус тилида) 0.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## Yakshanda

## 23

Телешоу. 16.25 «Қорақалпокнома». «Болалар сайёраси»: 16.45 1. «Санъат фунчалари». 2. «Олтин тож». Телевизион түйин. 17.45 «Тўртнинчи ҳоқимият». 18.05 «Талабалик ийларим». 18.25 «Қалб гавҳари». 18.45 «Оқ олтин». Телелотерея. 19.15 Бир жутт кўшиқ. 19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар 19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида) 20.05 «Оламга саёхат». Кинокўрсатув. 20.30 «Таҳлилнома». 21.15 «Қизлар давраси». Якшанба кинозали: 22.30 «Мададкор руҳ». Бадий фильм. 23.55-0.00 Ватан тимсоллари.

**«Ёшлар телеканали»**

7.55 Кўрсатувлар дастури. 8.00 Давр тонги. 9.00 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма». 9.25 «Денгиз итлари». Мультсерериал. 9.50 Футбол плюс. 10.10 Оҳанрабо. 10.50 «Давр»-репортаж. 11.00 Очил дастурхон. 11.25 Ёшлик наволари. 11.40 «Заковат» интеллектуал түйини. 12.35 «Ёмғир эслатар кўйни» («Ўзбектелефильм») 12.45 «Ёшлар» телеканалида ҳарбий-ватарапварлик дастури: 1. Марди майдон. 2. Аскар мактублари. 13.25 «Океан тубида». Бадий фильм. 15.10 Чемпион сирлари. 15.30 Қишлоқдаги тендошим. 15.50 «Учинчи сайёра». Маърифий

дастури. 16.40 Кўрсатувлар дастури. 16.45 «Янги авлод» студияси: «Катта танафус». 17.10 «Денгиз итлари». Мультсерериал. 17.35 ТВ-анонс. 17.40 Спорт ҳафтаномаси. 17.55 Очун. 18.20 Оила тилсими. 18.50 Олтин мерос. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр»-news. 19.20 ТВ-анонс. 19.25 Ҳандалак - плюс. 19.30 Севги тароналари. 19.50 Синфодш. 20.20 Ватан ҳақида кўшиқ. 20.25, 21.15, 22.30 Эълонлар 20.30 «Жюли Леско». Сериал. 21.20 Лабиринт. 21.45 Олтин мерос. 22.00 «Давр ҳафта ичидা». 22.35 ТВ-анонс. 22.40 Тунги тароналар. 22.50 «Орзулардан яралган олам».

франсе?» 12.05 «Кувноқ инглиз тили». 12.15 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам». 12.35 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 12.45-14.05 «Дўстлик» видеоканали: «Рангинкимон», «Дидар», «Ў

## Маънавият соатлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Миллӣ армиямиз – мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» асари бугунги кунда кенг жамоатчилик томонидан ўқиб, ўрганилмоқда. Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда унинг Тошкент вилояти бўлими Кибрай туманинаги ҳарбий қисмлардан бирда ўтказган «Миллӣ армия – мустақиллигимиз таяни» мавзудаги анжуман ҳам шу мақсадда ўюштирилди.

## БУРЧ ВА САДОҚАТ

Юртбошимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг тӯққизинчи сессиясида: «Ҳарбий хизмат кишидан бошقا соҳа мутахассисларига нисбатан кўпроқ мардлик, ма-

тонат ва фидойилик фазилатларини, ўз Ватани олдидаги бурчи ва қасамёдига содиқликни талаб қиласди» деб таъкидлаган эдилар.

Анжуманда сўзга чиқсанлар Юртбошимиз томони-

дан минтақавий хавфсизлик, тинчлик, барқарорлик, мамлакатимизда миллатларро ва фуқароларро тутувликни сақлаш борасида амалга ошираётган чора ва тадбирлар ҳақида батафсил фикр юритдилар.

**Шавкат ҚУЛИБОЕВ,**  
«Тошкент ҳақиқати»  
мухбари.

# ДИҚҚАТ, ТЕНДЕР!

№	Йўналиш рақами	Йўналиш номи	Тендер ўтказиладиган сана	№	Йўналиш рақами	Йўналиш номи	Тендер ўтказиладиган сана	
<b>Олмалиқ шаҳри</b>								
1	340	Й.т.	Олмалиқ-Ангрен	14.03.2003	31	Й.т.	Кўйлиқ-А.Яссавий ш/х	16.05.2003
2	341	Й.т.	Олмалиқ-Отчопар бозори	14.03.2003	32	Й.т.	Кўйлиқ-Тошовул	16.05.2003
3	329		Олмалиқ-Шовғазсой	14.03.2003	33	Й.т.	Буюк ипак йўли	
4	331		Олмалиқ-Авжазсой	14.03.2003	34	Й.т.	м.б.-Ўртасарой	16.05.2003
5	332		Олмалиқ-Урғозсой	14.03.2003	35	345	Й.т. Кўйлиқ-Дўстлик ш/х	16.05.2003
6	339		Олмалиқ-Қизил ой	14.03.2003	36	422	Й.т. Тўйтепа-Кучлик	16.05.2003
<b>Оҳангарон тумани</b>								
7	322		Оҳангарон-Эйвалек	19.03.2003	37	424	Й.т. Тўябўғиз-Кўйлиқ	16.05.2003
8	330		Олмалиқ-С.Рахимов ш/х	19.03.2003	38	437	Й.т. Ким Пен Хва ш/х-	
9	334		Олмалиқ-Нуробод	19.03.2003	39	442	Й.т. Кўйлиқ	16.05.2003
10	335		Оҳангарон-Тут	19.03.2003	40	443	Й.т. Тўйтепа-Тўябўғиз	16.05.2003
11	337		Оҳангарон-Серго ш/х	19.03.2003			Й.т. Тўйтепа-Янги ҳаёт	16.05.2003
12	396		Оҳангарон-Тошкент	19.03.2003				
<b>Чиноз тумани</b>								
13	575	Й.т.	Чиноз-Отчопар бозори	28.03.2003	41	209	Й.т. Дўстобод-Дўстлик ш/х	23.05.2003
14	584	Й.т.	Чиноз-Олмазор	28.03.2003	42	211	Й.т. Уяли бурилиши-	
15	588	Й.т.	Олмазор-С.Рахимов м.б.	28.03.2003	43	212	Й.т. Ҳамза бўлими	23.05.2003
<b>Янгийўл тумани</b>								
16	298	Й.т.	Халқобод-Ниёзбош	04.04.2003	44	213	Й.т. Дўстобод-Қўргонча	23.05.2003
17	305	Й.т.	Дам олиш уйи-Гулбаҳор	04.04.2003	45	215	Й.т. Дўстобод-Оққўргон	23.05.2003
<b>Тошкент тумани</b>								
18	473		Чорсу АШБ-Иттифоқ ш/х	11.04.2003	46	217	Й.т. Ўзбекистон 5 йиллиги-	23.05.2003
19	476	Й.т.	Чорсу АШБ- Тошкент ш/х	11.04.2003	47	209	Й.т. Беруний ш/х	
20	477	Й.т.	Чорсу АШБ-Ўнқўргон	11.04.2003	48	361	Й.т. 9-бўлим-Янги ҳаёт	23.05.2003
21	479	Й.т.	Юнусобод-Маданият қўргони	11.04.2003	49	348	Й.т. Дўстобод-Дўстлик ш/х	23.05.2003
22	483		Чорсу АШБ-Култепа	11.04.2003			Й.т. Ўзбекистон 5 йиллиги-	
<b>Оққўргон тумани</b>								
23	200		Оққўргон-9-бўлим	25.04.2003			Беруний ш/х	23.05.2003
24	301		Оққўргон-Сегизбоев ш/х	25.04.2003			Дўстобод-Қўргонча	
25	349		Оққўргон-Хонқа	25.04.2003			Дўстобод-Оққўргон	
26	351		Оққўргон-3-бўлим	25.04.2003			Ўзбекистон 5 йиллиги-	
27	354		Оққўргон-Дўстобод	25.04.2003			Беруний ш/х	
28	358		Оққўргон-Элтамғали ш/х	25.04.2003			9-бўлим-Янги ҳаёт	
29	360		Оққўргон-Х.Олимжон ш/х	25.04.2003			Дўстобод-Дўстлик ш/х	
30	363		Оққўргон-Оҳунбобоев ш/х	25.04.2003			Ўзбекистон 5 йиллиги-	
<b>Юқоричирчик тумани</b>								
50		Й.т.	Кўйлиқ-Балиқчи ш/х		51	371	Й.т. Янгибозор	06.06.2003
51		Й.т.	Кўйлиқ-Жумабозор		52	369	Й.т. Ҷизилтоғ	06.06.2003
53		Й.т.	Янгибозор-Чотқол		54	386	Й.т. Жудурук	06.06.2003
<b>Бўка тумани</b>								
54		393	Бўка-С.Саймоқов ш/х		55	409	Бўка-С.Саймоқов ш/х	20.06.2003
56		410	Сегизбоев-Қўйлиқ		57	413	Бўка-Бўка 2-бўлими	20.06.2003
58		407	Бўка-Пскент		59	402	Бўка-Хўжакўргон	20.06.2003
							Бўка-Ф.Азаматов	20.06.2003

Вилоят ичида қатновчи шаҳарлараро ва шаҳар атрофи йўловчи ташиш йўналишларида ишлаш хукуқини олиш учун очиқ тендерлар ўтказлади.

Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатни назар, Ўзбекистон Республикаси худудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солик органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳар атрофи ва шаҳарлараро йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси бўлган

хўжалик юритувчи субъектлар иштирок этиши мумкин.

Тендер ташкилотчиси – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли қарорига асосан, Тошкент вилояти ҳокимининг 2002 йил 19 июндаги 126-сонли қарори билан тузилган Вилоят комиссияси.

Комиссия манзили: Тошкент шаҳри У. Юсупов кўчаси, 3-йй.  
Очиқ тендерда иштирок этишини хоҳлов-

чилар Вилоят комиссиясига тендер хужжатлари пакетини олиш учун тендер ўтказиладиган санадан 5 кун олдин буюртма беришлари лозим.

Вилоят комиссияси таклифларни тендер ўтказиладиган кундан бир кун олдин соат 17.00гача қабул қиласди.

Тендер ўтказиш манзили: Тендер жадвалида кўрсатилган туман ёки шаҳар ҳокимиининг кичик мажлислар залида соат 15.00да ўтказилади.

**БМТ:****КИПР МУАММОСИГА БАГИШЛАБ**

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси хабар беришича, БМТ бош котиби Кофи Аннан Греция бош вазири Константинос Стефанопулос ва Туркия бош вазири Абдуллоҳ Гулга мактуб йўлла, яқин кунлар ичидаги Кипр муаммосига бағишиланган анжуман ўтказилингани маълум қилган.

Анжуман февраль ойининг охирги кунлари Нью-Йоркда, БМТ бош кароргоҳида бўлиб ўтади.

**EXXT:****МУТАХАССИСЛАР КУЗАТУВИДА ЎТАДИ**

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (EXXT) ҳамда Европа кенгашиниң мутахассислари 23 марта куни Чеченистонда бўладиган референдумни кузатади.

Ушбу иккى халқаро ташкилотнинг Гаага шаҳрида бўлиб ўтган анжуманида шундай қарорга келинди.

**ХИТОЙ:****МУЗОКАРАЛАР ЙЎЛИ БИЛАН**

Хитой БМТ Хавфсизлик кенгашини Шимолий Корея можаросига аралашмасликка чакирмоқда. Шимолий Корея Атом энергетикаси бўйича халқаро агентликнинг ядро куролини тарқатмаслик тўғрисидаги битимини бузгач, агентлик ушбу масалани кўриб чиқиши учун БМТ Хавфсизлик кенгашига муроҷаат қилганди.

Хозир воситачилик вазифасини ўтаётган Хитой Атом энергетикаси бўйича халқаро агентликни кўллаб-куватласа-да, муаммони музокара йўли билан ҳал этишини таклиф қилмоқда.

**ГРУЗИЯ:****ЁРДАМ БЕРИШГА ТАЙЁР**

Грузия президенти Эдуард Шеварднадзе Ирок муаммоси борасида АҚШга ёрдам беражагини маълум қилди.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, АҚШ давлат котибининг стратегик хавфсизлик масалалари бўйича ўринбосари Стивен Редмейкернинг Грузия раҳбари билан учрашувида президент Э.Шеварднадзе америкаликларга Вазиани аэроромидан фойдаланишга розилик берган.

**ПОЛЬША:****ГУРУХ ФОШ ЭТИЛДИ**

Польшада қалбаки евро чиқариш билан шуғулланадиган гурух фош этилди. Жиноятчилар бир ярим миллионга яқин қалбаки евро тайёрлаганликда айбланмоқда. 2002 йил бошида амалга киритилган евро шу пайтга қадар бундай катта ҳажмда соҳталаштирилмаган эди.

**ҚАЛДИРФОЧ ИНИ... ДАРОМАД МАНБАИ**

Тайланднинг чекка шаҳарчаси Пак Панангдаги ҳар бир уйча ва кулба қалдирфочларни бокишга мослаштирилган. Эгалари уларни янгилаш, жозибадор қилиш йўлида тиним билмайдилар, деворларида шифтгача кўпдан-кўп говаклар очадилар. Шунинг учун шаҳардаги бундай уйчалар кўпроқ асаларилар уясига ўхшайди.

Пак Пананг ахолиси бундай паррандалар учун «мехмонхоналар» куришга мукасидан кетган. Бу уларнинг ишқибозлигидан далолат эмас, балки кушлар уяси яхшигина даромад манбаи бўлганлиги учун шундай қилишади. Қалдирфочлар ини нархи Таиландда анча баланд турди. Унинг ҳар бир килограмми 1,3 минг доллардан деярли 2 минг долларгача сотилади. Паррандалар инларидан Таиландда, Хитойда антиқа шўрва қайнатигина қолмай, деярли барча касалликларга карши дори-дармон тайёрлашада фойдаланилди. Ҳар бир бундай «мехмонхона»дан бир ойда 30-50 килограммгача «хосил» йигиб олинади. Бундай маҳсулотни сотишдан катта бойлик ортираётган кимсалар кўп.

**АҚШ:  
ТЕАТРГА  
ТЕЛЕФОНСИЗ**

Нью-Йоркда фильм ва спектакллар намойиши давомида уяли телефондан фойдаланиш тақиқлаб кўйилди. Аввалроқ шаҳардаги ресторонларда чекиш ман этилган ва Нью-Йорк ахли янги қоидага рози бўлганди.

Уяли телефон эгалари эндиғи тақиқдан бирор норози. Гап шундаки, театрга борувчиларнинг аксарияти ушбу матоҳдан фойдаланади. Энди, янги қонунга мувоғик, ҳар бир кўнғироқ учун 50 доллар микдорида жарима солинади.

**Шарҳловчи минбари****КОТ-Д'ИВУАР:  
ТИНЧЛИК БИТИМИ  
САМАРА БЕРМАЯПТИ**

Шу йил январда Франция ташаббуси билан Кот-д'Ивуардаги сиёсий инқирозларга барҳам бериш юзасидан ҳукумат аъзолари ва мухолиф гурух шитирокида анжуман бўлиб ўтган эди. Ўшанда томонлар мамлакатда баркарорлик ўрнатишга келишиб олган. Бирор орадан шунча вақт ўтса ҳамки, тинчликдан дарак ўйк.

БМТ Хавфсизлик кенгаши Кот-д'Ивуардаги кескинликни юмшатиш мақсадида расмий баёнот ўзлон қилди. Унда томонлар ўртасида Маркус битиминг бажарилиши зарурлиги алоҳида қайд қилинган.

БМТ Хавфсизлик кенгаши эришилган келишувларнинг бажарилишини назорат килиш учун маҳсус комиссия тузиши режалаштирилти. Тинч ахоли хавфсизлигини таъминлаш ҳамда кузатувчиларга кўмаклашиш мақсадида Кот-д'Ивуар худудига Фарбий Африка давлатлари иктисадий бирлигига (ЭКОВАС) аъзо мамлакатлар ва Франциянинг тинчликни сақлаш кучлари жойлаштирилади. Улар бу ерда олти ой давомида вазиятни кузатиб боради. Шароитга қараб, ваколат муддати кенгаш томонидан яна узайтирилиши мумкин.

Маркус келишувига мувоғик, президент Лоран Гбагбо ўз лавозимида қолиши керак эди. Бирор бу битим ўзлон қилинши билан пойтахт Абижанда кўп

минг кишилик намойишлар авж олиб кетди. Аста-секин ҳукумрон доиралар орасида ҳам давлат раҳбарига қарши кучлар пайдо бўла бошлади.

РАТА-ТАСС хабарида айтилишича, Лоран Гбагбо тинчликни сақлаш тўғрисидаги келишувга амал қилишини билдирган. Аммо, у янги ҳукумат таркибига исёни гурух вакиллари киритилишига қарши эканини яшимаяпти. Мухолиф кучлар эса, янги ҳукумат таркибига уларнинг бирор вакил киритилмас экан, пойтадаги тартибсизликлар давом этиверишини маълум қилган.

Кот-д'Ивуардаги бекарорлик минтақадаги кўшини давлатларга ҳам ўз таъсирини ўтказаётир. Шу боис ЭКОВАС ва Африка иттифоқи аъзолари ҳукумат ва мухолифат ўртасидаги низони тинч йўл билан ҳал қилишга интилмоқда. Бирор уларнинг урнишлари ҳам ҳозирча самара бермаяпти.

**Фазилддин АРЗИЕВ,  
ЎЗА шарҳловчиси.**

**ЭНГ БИЖИЛДОҚ**

Дунёда энг кўп гапирадиган бижилдоқ одам ким бўлиши мумкин? Бу саволга швейцарилик олим Тогд Эразм тўрт ёшли бола деб жавоб беради. Унинг хисобибича бу ёшдағи гўдак бир кунда таҳминан 14 мингта сўз айтib чарчамас экан. Олим тўрт ёшдан олти ярим ёшгача бўлган иккюзга яқин болани текшириб шу холосага келган.

**НОНУШТА АҚЛНИ ПЕШЛАЙДИ**

Шифокор педиатрлар болалар учун тўйимли нонуштанинг муҳимлигини доим таъкидлаганлар. Болаларнинг ақлий ва жисмоний камол топишлари нонуштанинг қайси вақтда истемол килинишига ҳам боғлиқ экан. Истроиллик олимлар нонушта қилинган вақт болаларнинг эслаш кобилиятига ва уларнинг билимларни ўзлаштиришларига қандай таъсири этишини аниқлаш мақсадида қатор тадқикотлар ўтказдилар. Маълум бўлишича, мактабда нонушта қилган болалар дарсларни ўзлаштиришда нонушта қилмаган тенгдошларига нисбатан анча юқори кўрсаткичларга эга бўладилар. Шуниси ҳам қизиқки, уйда овқатланган болалар (тестлар бошланишидан таҳминан иккя соат илгари) синовлар бошланишидан ярим соат илгари маккажӯхори бодроғи билан сут тановул қилган болаларга нисбатан ёмон натижалар кўрсатганлар. Бундан чиқариладиган хулоса шуки, ота-оналар ва ўқитувчилар болалар ва ўсмиirlar учун мактабда нонушта ўюштирсалар яхши бўлади. Бу билан улар болаларни кулуңж (колит) ва гастритеидардан мухофаза қилиши билан бирга, уларнинг ақлий қобилиятиларини оширишга ёрдам берган бўладилар.



(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАВАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).



Омон Матжон

«Очиқ деразалар», «Карвон кўнгироги», «Куёш соати», «Ҳаккуш қичқириғи», «Сени яхши кўраман», «Ўртамизда биргина олма», иккى жилдик «Сайланма» ва бошقا бир катор шеърий тўпламларнинг муаллифи Ўзбекистон халқ щоюри Омон Матжоннинг газетхонлар билан учрашуви ҳамиша кувончли кечади.

Кўйида шоурининг бир жуфт шеърини эътиборингизга ҳавола киламиш.

## ЖАВОБ

Емоникка ўргатмайман болаларимни, Мижозимга юртпаратлиқ, тарафкашлик ёт. «Биз ўзбеклар ундан ҳалқмиз, мундай ҳалқмиз!» деб Сўзларимга уламайман кибрдан қанот.

Юртимизни мафтун кезиб юрсак ҳар доим Болаларим мени тинмай қўмар саволга. Наманганда, дейлик, учарар Искандар қўргон, Дарҳол таъриф беришим шарт фотиҳи золга.

Бухорода яхши маълум Арабон қалъя. Хоразмда — Чингизтепа, булар жуда кўп. Тарихдаги қони қотган яралар булар, Булар юртга ҳуснбузар, кўзга тушиган чўп.

Болаларга эрмак энди бу ҳаробалар, Уюм хокдир бир пайтдаги дабдабалари. Тепаларни тепкилашиб ўйнар болалар. Ҳайонларга қўнгани митти қушлар сингари.

Минг бола ҳам бир бола-да! «Нега?», «Ким?», «Қандай?» Каби бир хил саволларга асрардир улар: Билиши шарт — дўст деб кимга айтилишини, Билиши шарт — босқинчи деб кимга айтилар.

Сир эмасдир, тупроғимда истилолардан Неча минг бор қайтарилган қиёмат, маҳшар, Кақнус күшдек, парларидан оҳанг тарашиб, Ўз қўлидан тиклангандир ҳалқим ҳар сафар.

Мен шуларни босқинчи ё келгинди, десам, Үйлайманки, миллатчи деб сўкмас бирорлар. Емоникка ўргатмайман болаларимни, Ҳар бир юртни тинч қўйисинлар фотиҳлар, ёллар.

## ХОРАЗМ РАҚСИ


Давра олинг, ўйноли,  
«Лазги» чалинг, ўйноли,  
Ларза солинг, ўйноли,  
Ўйнаб қолинг, ўйноли!

Сабо бўлиб ўйноли,  
Дарё бўлиб ўйноли,  
Зиё бўлиб ўйноли,  
Дунё бўлиб ўйноли!

Бу — наевбаҳор, ўйноли,  
Сайдиди тор, ўйноли.  
Ўртада ёр, ўйноли,  
Диг интизор, ўйноли!

Боқиб ҳар ён, ўйноли,  
Қочсин ёмон, ўйноли,  
Замон-замон, ўйноли,  
Омон-омон, ўйноли!

## Сканворд



Тузувчи: Акрамжон ХўЖАМОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҶИЧАТИ  
ТАШИСЧИСИДА ПРЯВЛА

Муассис  
ТОШКЕНТ  
ВИЛОЯТИ  
ХОКИМЛИГИ

Бош мұхаррир  
Фатхиддин  
МУХИДДИНОВ

Телефонлар:  
Хатлар ва оммавий  
ишлар бўлими: 133-40-48.  
Эълонлар:  
133-70-10, 136-53-80.

Манзилимиз:  
700000, Тошкент  
шахри, Матбуотчилар  
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси давлат  
матбуот кўмитасида 8 раками  
билинг рўйхатга олинган.  
Газета «Тошкент ҳаҷиҷати»  
таҳририят компьютер  
мөркабида тернид ва  
соҳифоланди.

• Эълон ва билдирув-  
лардаги факт ҳамда далил-  
ларнинг тўғрилиги учун  
реклама ва эълон берув-  
чилар масъулдир.

## Болалар спортига эътибор

# ҚИЗЛАРГА НИМА ЯРАШАДИ?

кетбол, катта теннис ва стол тениси жуда қизларбодир.

Шу ўринда шахсий фикримни айтуб ўтмоқчиман. Ўзбек қизлари учун кураш, дзю-до, таэквондо, кўл жанг, бокс, футбол каби жанговар спорт турлари у қадар мос эмас, деб хисоблайман.

— Қизларимизнинг спорт кийими борасида сиз нималарни таклиф этган бўлардингиз?

— Ҳар бир ишда қонун-қоида бўлганидек, спорт кийимини танлашда ҳам маълум бир тартиб, максад бўлиши керак. Масалан, енгил атлетиканинг югуриш турларида футболка-шорти кийиш ноўрин. Чунки, бу кийимлар кенг ва кўпол бўлиб, тезликка акса таъсири қиласди. Сузиш кийими ни умуман ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди.

Тенис кортларига чиқаётган қизларнинг спорт кийими жуда маълум. Ҳам кулаи, ҳам қизларбоп. Устида футболка, пастки қисмда шорти устидан юбка. Мана шу спорт кийими қизларимиз учун мос келади, деб ўйлайман. Ўзбек қизларининг юстидаги спорт кийимларига бўлган буғуни эътироҳ ва биз мураббийлар кўяётган талаблардан келиб чиқиб, «Ўзбекенгилсаноат» ўюшмаси каби тегиши ташкилотлар бу хусусда изланишлар олиб бориб, маъкул тавсияларни берсалар, айни мудда бўлур эди.

Хуршида НАЗАРОВА  
суҳбатлашди.

## РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИ ДАВОМ ЭТАЯПТИ

Пойтахтдаги Ўзбекистон Куролли Кучлари спорт марказида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «Кувноқ стартлар» мусобакаларининг финал босқичи давом этмоқда.

Халқ таълими вазирлиги ҳамда ўзтелерадиокомпания ҳамкорлигидаги бу йил йигирманчи маротаба ўтказилаётган ушбу мусобакаларнинг илк босқичи сентябрь-октябрь ойларида бошланган эди. Унда Корақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахар мактабларининг 5-7 синф ўқувчилари фаол қатнашиди. Мусобақанинг 29 апрелгача давом этадиган республика босқичини Жиззахдаги 11-умумий ўрта мактабнинг «Омад» ҳамда Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги 105-мактабнинг «Умид» жамоалари ўртасидаги беллашув бошлади борди. Самарқандликлар юксак маҳорат кўрсатиб, Жиззах вилоя-

ти терма жамоасини маглуб этишиди. Голиб жамоа 18 март куни Фарона вилоятидаги 10-мактаб терма жамоаси билан учрашиди.

Жами 14 та терма жамоа иштирокидаги мусобақалар ҳар хафтанинг сешанба куни Марказий ҳарбий спорт клубида ўтказилди. 18 февраль куни Чиноз туманидаги 29-ўрта мактабнинг «Истиқлол» терма жамоаси вилояти миз шарафини химоя килиш учун Хоразм вилояти Хева туманидаги 10-ўрта мактабнинг «Феруз» жамоасига қарши майдонга тушади. Ҳар икки жамоадан 24 иштирокчи мусобақалар дастурига киритилган 10 та шартни бажариши керак.

## QARZ



O'tgan zamonda Hasan degan bir kishi o'tinchilik qillar ekan. Har kuni daladan tergan o'tinini sotib, uning puliga to'qqiz dona non sotib oлар ekan. Bir kuni novvoyn shogirdlari «Shu kishi har kuni to'qqiz dona non sotib oladi, bitta yoki ikkita ortiq ham, kam ham oлmaydi, sababini bilib bering», — deyishibdi. Hasan ertasiga kelganda novvoy: «Nonlarni ollib ketishdi, faqat beshta soldi», — debdi. Hasan: «Bular mena etmaydi», — deb nonni oлmabdi.

Hasan keyingi kun yana kelganda novvoy unga o'n bitta non beribdi. Hasan: «Bulari ortiq, isrof bo'ladi», — deb, ikkitasini qaytarib beribdi.

Hasan yanagi kun kelganda

novvoy: «Nonlarni sotib bo'ldim, senga qolmadidi. Lekin nima uchun har kuni to'qqizta non olishing sababini aytib bersang, o'zinga olib qo'yagan nonlarni senga berib

## Bolalik bog'i

yuboraman», — debdi. Hasan shunda novvoyoga: «Olgan nonlarimning ikkitasini qarzimga beraman, beshtasini qarzga beraman, qolgan ikkitasini hotinim bilan o'zim eyman», — debdi. Novvoy Hasanning gapiga tushunmabdi. Shunda Hasan: «Nonlarning ikkitasini qarzga beraman, ya'ni ota-onamdan meni boqib katta qilganlari uchun qarzdormani, ularga beraman. Beshta nonni bolalarimga beraman. Bu qarz, ular ham qanganimda ana shu qarzn qaytaradilar», — debdi.

Kumush EGAMBERDIYEVA tayyorladi.